

## Кийимнинг ҳўли билан намозга чиқиш мумкин



14:30 / 06.07.2019 3429

*(Йигирма иккинчи суннат)*

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**« Мен жунублик асарини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларидан ювиб қўяр эдим. У зот намозга кийимларидаги сувнинг ҳўли билан чиқар эдилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Оиша онамизнинг «жунублик асарини» деганлари, манийнинг асари деганидир. Чунки инсондан маний чиққанда жунуб бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- 1.Кийимга маний тегса, ювиб ташлаш зарурлиги.
- 2.Аёл киши эрининг кийим-бошларини ювиб, тузатиб бориши кераклиги.
- 3.Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мутавозе эканликлари.
- 4.Кийимнинг ҳўли билан намозга чиқиш мумкинлиги.
- 5.Маний нажосат экани.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**